

«ТАСДИҚЛАЙМАН»
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси аппарати
Хўжалик фаолияти бошқармаси
Автохўжалиги директори в.в.б,
Харид комиссиясининг раиси



Г.Исмаилов

2022 йил

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппарати Хўжалик фаолияти
бошқармаси Автохўжалигининг хўжалик эҳтиёжлари учун хўжалик тувак
гуллари етказиб берувчи ташкилотни аниқлаш бўйича

“ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФНИ ТАНЛАШ”
БЎЙИЧА ҲУЖЖАТ ТҶПЛАМИ

Тошкент-2022 йил

МУНДАРИЖА

- I Боб. Қатнашчига кўрсатма
- II Боб. Танлашнинг таклиф шакллари
- III Боб. Етказиб бериладиган маҳсулотларга техник талаблар
- IV Боб. Тижорат қисми

- V Боб. Шартнома намунаси

I БОБ. ҚАТНАШЧИГА КЎРСАТМА

A. Умумий маълумот

Танлаш предмети
Мазкур танлаш ҳужжатларида ишлатиладиган тушунчалар
Танлаш комиссиясининг вазифалари
Техник ва тижорат таклифларини баҳолаш гуруҳининг вазифалари
Қатнашчига танлашда қатнашиш учун қўйиладиган малака талаблари
Танлаш доирасида ҳужжатларнинг махфийлигини таъминлаш

B. Танлаш ҳужжатлари

Танлаш ҳужжатининг таркиби
Танлаш ҳужжатларига аниқлик киритиш
Танлаш ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш

B. Танлаш ҳужжатларини тайёрланиши

Танлашда қатнашиш харажатлари
Танлашда қўлланиладиган тил
Танлаш таклифини ташкил қилувчи ҳужжатлар
Таклиф шакли ва нарх жадвали шакллари бўйича тушунтириш
Муқобил таклифлар
Танлаш таклифини расмийлаштириш ва имзолаш

G. Танлаш таклифининг топширилиши ва очилиши

Танлаш таклифларини муҳрлаш ва Электрон таклифларни белгилаш
Танлаш таклифларини топширишнинг охириги муддати
Танлаш таклифларининг очилиши

D. Танлаш таклифларини баҳолаш ва ғолибларни аниқлаш тартиби

Танлаш таклифларини баҳолаш ва ғолибларни аниқлаш
Таклифларнинг мос келмаслиги

E. Шартномани расмийлаштириш

Шартномани расмийлаштириш
Тўлов шартлари
Шартномани имзолаш

А. УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР

1. Танлаш предмети

Танлаш комиссияси ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонуни ва Харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом (рўйхат рақами 684, 22.04.2022 й.) ва Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 20 майдаги 276-сон қарорига асосан амалга оширади.

Танлашни ташкил қилишнинг асосий мақсадлари қуйидагилар:

Танлашни ўтказиш очиқ турда бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Хўжалик фаолияти бошқармаси Автохўжалигининг ҳаражатлар сметасида бюджетдан ажратилган маблағлар ҳисобидан 2022 йил 2-чораги давомида Автохўжалигининг хўжалик эҳтиёжлари учун хўжалик тувак гуллари етказиб берувчи ташкилотни аниқлаш.

Тўпламлар сони: **1 ой** (июн) давомида

Хизматларнинг максимал нархи: **128 00 000,00сўм.**

Танлашга қўйилган товарнинг нархи қўшимча қиймат солиғи билан (агар “Етказиб берувчи” ҚҚС тўловчиси ҳисобланса). Танлаш ҳужжатларининг тижорат қисмида жойлашган талабларига биноан бажарилиши лозим.

Хизмат кўрсатиш муддати: **1 ой.**

2. Мазкур танлаш ҳужжатларида ишлатиладиган тушунчалар

Бюджет маблағлари ҳисобидан 2022 йил июнь ойи давомида Автохўжалигининг хўжалик эҳтиёжлари учун хўжалик тувак гуллари етказиб бериш Танлаш ўтказишдан мақсад – мазкур Танлаш ҳужжатлари талаблари асосида етказиб берувчи ташкилотни аниқлаш.

Танлаш ўтказиш тартиби – бир босқичли.

Буюртмачи – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппарати Хўжалик фаолияти бошқармаси Автохўжалиги;

Манзили: 100000, Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Ш.Рашидов проспекти 11

Танлашни ташкил этиш ва ўтказиш учун масъул шахс – Моддий техника таъминоти бўлими бошлиғи Азизов Нодирбек Улуғбек ўғли;

Тел.: (71) 239-47-89.

3. Танлаш комиссиясининг вазифалари:

-танлаш ўтказиш тартиб-қоидаларини белгилайди;

-белгиланган тартибда танлашни ўтказди;

-танлаш талабгорларига тааллуқли барча ҳужжатларни тақдим қилиш, муддатини узайтириш тўғрисида қарор қабул қилиш;

-танлаш бўйича келиб тушган таклифларни очиш санасини белгилаш;

-таклифлар билдирилган Электрон таклифларни очади, уларнинг танлаш ҳужжатлари билан белгиланган талабларга (тақдим этилган ҳужжатларнинг тўлиқлиги, уларнинг расмийлаштирилиши ва ҳоказо) мувофиқлигини текширади;

- талабгорлар томонидан тақдим этилган таклифларини кўриб чиқишда нархларнинг сунъий равишда оширилишини олдини олиш ва ҳолисликка ҳамда қонун ҳужжатлари талабларига қатъий риоя қилиш;

- зарур ҳолларда комиссия фаолиятига мутахассис ходимлар жалб этилишини назарда тутиш;

- ғолиб деб топилган талабгорлар билан шартнома имзолаш бўйича таклиф беради.

Танлашнинг ташкилотчиси - Ишчи гуруҳ. Унинг вазифасига қуйидагилар киради:

- танлаш ҳужжатлари ишлаб чиқилишини таъминлайди ва уларни ўрнатилган тартибда талабгорларга тақдим этади;

- танлаш ўтказилиши тўғрисида республика товар хом ашё биржасининг <https://etender.uzex.uz> порталида эълон беради;

- танлаш таклифларини баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилишини таъминлайди.

4. Техник ва тижорат таклифларни баҳолашда танлаш комиссиясининг вазифалари:

-танлашнинг техник таклифларини ўрганади, таҳлил қилади ва кўриб чиқади;

-энг яхши техник таклифни аниқлайди;

-қатнашчиларнинг танлашга тақдим этилган молиявий ҳужжатларини ва нарх таклифларини ўрганади, таҳлил қилади ва кўриб чиқади;

-энг яхши танлаш таклифини аниқлайди, ғолибни аниқлайди ва қарор қабул қилади.

Қатнашчи - мулкчилик шаклидан қатъий назар, танлаш талабларида кўрсатилган товарларни етказиб бериш ва хизматларни кўрсатиш бўйича тажрибага эга бўлган ташкилотлар.

Қатнашчи:

- тақдим этилган маълумотлар ва ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва тўғрилиги учун жавобгарликни ўз зиммасига олади;

- фақат битта таклифни тақдим этиш ҳуқуқига эга;

- тақдим этилган таклифни тақдим этиш муддати тугамагунча қайтариб олиш ёки ўзгартириш ҳуқуқига эга.

5. Қатнашчига танлашда қатнашиш учун қўйиладиган малака талаблари

Танлаш таклифларини тайёрлайди ва танлаш комиссиясига тақдим этади. Уларнинг фаолиятини ва молиявий ҳолатини баҳолаш учун зарур бўлган қўшимча ахборотни тақдим этади (Танлаш комиссиясининг сўровига кўра).

5.1. Танлаш қатнашчиларини малакали танлаши Танлаш комиссияси томонидан амалга оширилади.

Танлаш қатнашчилари қуйидаги ҳужжатлар ёрдамида малакали танланади:

- корхона ва ташкилотларининг кичик ёки йирик бизнес субъектларига тегишлилиги тўғрисидага маълумотнома;

- талабгор банкрот ҳолатида эмаслигини тасдиқловчи маълумотнома;

- талабгорнинг тугатилиш ёки қайта ташкил этилиш жараёнида эмаслигини тасдиқловчи маълумотнома;

-юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтганлигини тасдиқловчи гувоҳноманинг нусхаси;

- тегишли ваколатли орган томонидан берилган танлаш талабларини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг нусхаси (агар талаб этилса);

- давлат солиқ инспекцияси ва талабгор ўртасида бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалар олдидаги мажбуриятлар бўйича қарзи йўқлиги тўғрисида маълумотнома;

- Етказиб берувчи банк томонидан талабгорнинг ҳисоб рақамларида картотека (К-2) бўйича қарзи йўқлиги тўғрисида маълумотнома асли.

Давлат ташкилотлари томонидан саралаш босқичига тақдим этиш учун берилган ҳар бир маълумотномада талабгорнинг СТИРи кўрсатилган бўлиши ва танлаш эълон қилингандан сўнг олинган бўлиши шарт.

5.2. Малакали танлашдан ўтган қатнашчи танлаш комиссиясига (муҳрланган) тақдим қилган бўлишлари керак. Электрон таклифда талабгор номи, манзили ва Танлаш комиссияси манзили, номи ҳамда иштирок этаётган лот рақами кўрсатилган бўлиб, қуйидаги ҳужжатлар бўлиши лозим:

- қатнашчининг ташкилий шакли (1-шакл);

- қатнашчи тўғрисида умумий маълумот (2-шакл);

- қатнашчининг тажрибалари тўғрисида маълумот (3-шакл);

- молиявий аҳволи (4-шакл);

- хизматларни кўрсатиш учун моддий ресурсларнинг мавжудлиги (5-шакл);

- маҳсулотнинг ва хизматнинг техник тавсиф жадвали (7-шакл);
- 2020 йил молиявий ҳисобот (ҳисобхона баланси ва молиявий натижалар) нусхаси;
- маҳсулотни етказиб бериш, хизматларни кўрсатиш жадвали (8-шакл);

5.3. Қатнашчи танлаш таклифларини тайёрлаш ва тақдим этиш давомида сарфланган барча молиявий харажатларни ўз ҳисобидан қоплайди.

5.4. Танлашда ғолиб чиққан тақдирда буюртмачи билан шартнома тузади.

Танлаш ғолиби – таклифларни баҳолаш якунлари бўйича танлашда энг кўп балл тўплаган танлаш қатнашчиси.

Захирадаги қатнашчи – танлаш ғолибидан кейинги ўринда турган кўп балл тўплаган қатнашчи.

5.5. Танлашга қуйидаги қатнашчилар қўйилмайди:

- шартномани бажариш учун зарур техникавий, молиявий, моддий, кадрлар ресурсларининг ҳамда бошқа ресурслари мавжуд бўлмаган;
- шартнома тузиш учун қонуний ҳуқуққа эга бўлмаган;
- тугатиш ёки банкротлик босқичида бўлган;
- фаолияти суд ёки ҳакамлик судида муҳокамада кўриб чиқиляётган;
- инсофсиз ижрочиларнинг ягона рўйхатида бўлган;
- солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича бюджет ва бюджетдан ташқари фондлар олдида қарздорлиги мавжуд бўлган;
- имтиёзли солиқ режимини таъминлайдиган ва/ёки молиявий операцияларни (оффшор зоналар) амалга оширишда маълумотни ошкор қилиш ва тақдим этишни назарда тутмайдиган ҳудудларда рўйхатдан ўтган ва банк ҳисоб рақамларига эга бўлган;
- аввал имзоланган шартномалар бўйича келишилган мажбуриятларни ўз муддатида бажармаган;
- тегишли тижорат ва молиявий кўрсаткичлар бўйича Комиссия талабларига жавоб бермаганда, улар тўғрисида тегишли қарор қабул қилинади.

Буюртмачи қуйидаги ҳолларда иштирокчини харид тартиб-таомилларида қатнашишдан четлаштиради, агар:

- иштирокчи бевосита ёки билвосита мижознинг ҳар қандай амалдаги ёки собиқ мансабдор шахсини ёки ходимини ёки бошқа давлат органининг ҳар қандай шаклда маблағ, иш таклифини ёки бошқа ҳар қандай қимматбаҳо буюмларни ёки хизматларни таклиф қилиши, бериши ёки беришга рози бўлганлиги - ёки харидорнинг давлат харидлари жараёнида ҳаракатлари юзасидан қарор қабул қилиши ёки ҳар қандай рақобат тартибини қўллаши;
- иштирокчи қонунга хилоф равишда адолатсиз рақобат устунлиги ёки манфаатлар тўқнашувига эга бўлса.

6. Танлаш доирасида ҳужжатларнинг махфийлигини таъминлаш

6.1. Тушган таклифларнинг кўриб чиқиши, уларнинг танлаш комиссияси аъзолари томонидан баҳоланиши тўғрисидаги ахборот махфий ҳисобланади ҳамда танлаш тартиб-қоидасига расман алоқадор бўлмаган шахсларга маълум қилинмайди. Танлаш комиссияси аъзолари мазкур ахборот ошкор қилинганлиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Б. ТАНЛАШ ҲУЖЖАТЛАРИ

7. Танлаш ҳужжатининг таркиби

7.1. Танлаш қатнашчиси унга берилган танлаш ҳужжатини ва шу билан бирга барча кўрсатмалар, шакллар, шартлар ва техник тафсилотларни тўлиқ ўрганиб чиқиши шарт.

7.2. Танлаш ҳужжатларида кўрсатиб ўтилган барча талаб қилинган маълумотларни бермаслик ёки таклифнинг танлаш ҳужжатлари талабларига тўлиқ тўғри келмаслиги, таклифнинг қабул қилинмаслигига олиб келади.

8. Танлаш ҳужжатларига аниқлик киритиш

8.1. Ҳужжатларни тақдим этиш муддати тамом бўлгунга қадар Қатнашчи танлаш ҳужжатларига қандайдир аниқлик киритиш учун танлаш комиссиясига ёзма равишда мурожаат қилишлари мумкин:

8.2. Танлаш комиссияси талабгорнинг сўровига кўра Танлаш таклифларини тақдим этишнинг сўнгги муддатидан камида 3 кун олдин сўров манбасини кўрсатмаган ҳолда танлашнинг барча қатнашчиларига мажбурий тартибда жавоб юбориб, танлаш ҳужжатларининг моҳияти ёки мазмуни билан боғлиқ саволга ёзма жавоб бериши шарт.

9. Танлаш ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш

9.1. Таклифларни тақдим этиш муддати тамом бўлгунга қадар камида 3 кун олдин танлаш комиссиясининг комиссия қарорига мувофиқ талабгорларга маълум қилиб, таклифга тузатиш киритиш учун етарли бўлган вақт берган ҳолда, унинг муддатини узайтириб, танлаш ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритишга ҳақлидир.

В. ТАНЛАШ ҲУЖЖАТЛАРИНИ ТАЙЁРЛАНИШИ

10. Танлашда қатнашиш харажатлари

10.1. Танлашда иштирок этиш ва танлаш ҳужжатини тайёрлаш билан боғлиқ бўлган барча харажатлар қатнашчининг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

10.2. Нарх таклифида кўрсатилган нарх танлаш таклифи нархи ҳисобланади.

10.3. Танлаш таклифи нархи миллий валюта - сўмда тўланиши лозим.

10.4. Маҳсулот (хизмат, иш) нархи(таклиф)га барча харажатлар, яъни солиқ ҳамда бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармаларга мажбурий тўловлар киритилади.

10.5. Қатнашчи томонидан белгиланган нархлар маҳсулотни етказиб бериш (хизматларни кўрсатиш) мажбуриятларини охирига етказилмагунга қадар ўзгартирилмайди (танлаш комиссиясининг нархларни тушириш бўйича музокаралар олиб бориш натижасида ўзгартиришлар киритилиши мумкин).

10.6. Нархларнинг ошишига қараб ўзгартириладиган нархларни кўзда тутувчи танлаш таклифлари исталган босқичда, танлаш талабларига жавоб бермайди деб қаралади ва танлаш комиссияси томонидан кўриб чиқилиши рад этилади.

11. Танлашда қўлланиладиган тил

11.1. Қатнашчилар томонидан берилаётган таклифлар, Буюртмачи ва қатнашчи ўртасидаги хатлар ва барча тегишли ҳужжатлар рус ва ўзбек тилида тайёрланади.

12. Танлаш таклифини ташкил қилувчи ҳужжатлар

12.1. Танлаш таклифлари бир асл нусхадан, фақат муҳрланган Электрон таклифда бўлиши лозим. Танлаш комиссияси номини ва манзили кўрсатилган Электрон таклифда **5.2-бандда** келтирилган ҳужжатлар, йўлланма хат билан биргаликда Электрон таклифда қабул қилинади.

Электрон таклифнинг юза қисмида иштирокчининг номи, боғланиш учун телефон рақамлари, юридик манзили ва танлаш номи ва лоти кўрсатилади.

Электрон таклифда – маҳсулотни етказиб бериш жадвали, танлаш таклифлари, маҳсулот учун таклиф қилинаётган нарх кўрсатилади.

12.2. Танлаш комиссияси лозим бўлганда Танлаш қатнашчиларидан тақдим этилган Танлаш таклифларини тасдиқлаш учун қўшимча ёки бошқа маълумотларни талаб қилиши мумкин.

13. Таклиф шакли ва нарх жадвали шакллари бўйича тушунтириш

13.1. Қатнашчи танлаш таклифини қатъий равишда мазкур танлаш ҳужжатининг II бобидаги шакллар асосида тақдим этиши лозим.

13.2. Танлаш таклифи шаклларидаги барча бўш графалар танлаш ҳужжатлари талаблари асосида тўлдирилиши зарур.

13.3. Қатнашчи таклиф этилаётган маҳсулот (хизмат) учун нарх таклифини танлаш таклифи шакли асосида тақдим этиши лозим.

14. Муқобил таклифлари

14.1. Паст техник (функционал) кўрсаткичларга эга бўлган маҳсулот (хизмат) кўринишида берилган танлаш таклифлари кўриб чиқилмайди.

15. Танлаш таклифларини расмийлаштириш ва имзолаш

15.1. Танлашда иштирок этиш учун қатнашчи танлаш ҳужжатларини имзолаш ваколати бор бўлган ўзининг вакилини тайинлаши мумкин. Вакил томонидан имзолаш учун қатнашчи ўз вакилига тегишли ишонч хати бериши лозим, ишонч хати ташкилотнинг ваколатга эга шахси томонидан имзоланган ва муҳрланган бўлиши керак.

Танлаш иштирокчиларининг таклифлари, рақамланган, муҳр қўйилган ва иштирокчининг ваколатли шахсининг имзоси билан тасдиқланган ёки таклифларнинг ҳар бир варағи имзоланган ҳолда тақдим этиш тавсия этилади.

15.2. Берилган таклифларда ёзув қаторлари орасига қўшиб ёзиш учун жой ташланиши ёки ўчириш ҳолатлари мавжуд бўлса, бу таклиф ўз кучини йўқотади ва рад этилади.

15.3. Танлаш қатнашчисининг имзоланмаган, муҳрланмаган Электрон таклифлари кўриб чиқилмайди ва Танлаш комиссияси томонидан рад этилади.

Г. ТАНЛАШ ТАКЛИФНИНГ ТОПШИРИЛИШИ ВА ОЧИЛИШИ

16. Танлаш таклифларини муҳрлаш ва Электрон таклифларни белгилаш

16.1. Танлаш қатнашчиси танлаш таклифларини мазкур танлаш ҳужжатлари талабларига қатъий риоя қилган ҳолда муҳрлаши керак.

16.2. Қатнашчининг танлаш таклифи, танлаш очилган кундан бошлаб 30 (ўттиз) кун мобайнида ўз кучини сақлаши лозим.

16.3. Айрим ҳолларда танлаш комиссияси танлаш қатнашчисидан таклифнинг амалда бўлиш муддатини узайтиришни сўраши мумкин. Бу сўров ва жавоб хат (телеграмма) кўринишида расмийлаштирилади.

17. Танлаш таклифларини топширишнинг охириги муддати

17.1. Қатнашчиларнинг танлаш таклифлари xarid.uzex.uz электрон савдо платформасида эълон берилган кундан бошлаб 5 календарь кундан кечикмасдан танлаш комиссиясига электрон тарзда топширади (**шанба, якшанба дам олиш куни этиб белгиланади**).

17.2. Танлаш таклифларини топширишнинг охириги муддати ҳеч қандай шароитда кўчирилмайди (9.1-бандида эслатилган тасодифий ҳолатлардан ташқари).

17.3. Танлаш таклифларини топширишнинг охириги муддатига қадар танлаш қатнашчиси ўз таклифларини қайтариб олиши ёки таклифга ўзгартириш киритиши мумкин.

17.4. Танлаш қатнашчиси томонидан танлаш ҳужжатларида талаб этилган маълумотлар тўлиқ тақдим этилмаслиги ёки мазкур танлаш ҳужжатлари талабларига жавоб бермайдиган таклифлар (Электрон таклифларнинг, шаклларнинг нотўғри тўлдирилиши, талаб қилинган ҳужжатларни тақдим этмаслик ва ҳ.к) кўриб чиқилмайди ва рад этилади.

18. Танлаш таклифларининг очилиши

18.1. Танлаш таклифлари беришнинг белгиланган муддати тамом бўлгач белгиланган кундан 5 кундан кўп бўлмаган муддатда танлаш комиссияси танлаш таклифлари берилган Электрон таклифни очади.

Таклифлар билдирилган Электрон таклифлар, қатнашчилар ёки уларнинг тўлақонли вакиллари иштирокида кўриб чиқилади. Қатнашчилар вакиллари қатнашмаганлиги Электрон таклифнинг очилмаслигига ёки мазкур жараённинг қайта ўтказилишига асос бўла олмайди.

18.2. Электрон таклиф очилгандан кейин танлаш қатнашчилари танлаш комиссияси томонидан эътироф этилган ташкилотлар санаб ўтилади, танлаш ҳужжатларининг талабларга мослиги ва шартларнинг тўлақонли бажарилиши текширилади.

18.3. Хужжатлар пакетида танлаш хужжатларига қўйиладиган талаблар бузилганлиги аниқланган тақдирда, хужжатлар уларнинг мазмуни эълон қилинмасдан қатнашчига қайтарилади.

18.4. Танлаш комиссияси мажлисининг натижалари баённома билан расмийлаштирилади. Баённомада танлаш қатнашчилари томонидан эътироф этилган ташкилотлар санаб ўтилади. Шакл бўйича тақдим этилмаган ва танлашга қўйилмаган таклифлар, баённомада улар рад этилишининг сабаблари кўрсатилган ҳолда алоҳида санаб ўтилади.

18.5. Танлаш таклифлари билдирилган Электрон таклифларни очиш ва ғолибни аниқлаш тўғрисидаги баённома оммавий ахборот воситаларида эълон қилинмайди.

Д. ТАНЛАШ ТАКЛИФЛАРИНИ БАҲОЛАШ ВА ҒОЛИБЛАРНИ АНИҚЛАШ ТАРТИБИ

19. Танлаш таклифларини баҳолаш ва ғолибларни аниқлаш

19.1. Танлаш комиссияси танлаш таклифларини техник, ташкилий-молиявий ва тижорат жиҳатдан баҳолаш танлаш комиссияси аъзолари томонидан амалга оширилади.

19.2. Танлаш таклифларини баҳолаш икки босқичдан иборат:

- техник, ташкилий-молиявий;
- тижорат.

19.2.1. Танлаш таклифларини баҳолаш вақтида Танлаш комиссияси танлаш қатнашчисидан унинг танлаш таклифлари борасида тушунтиришлар беришини сўраши мумкин.

19.2.2. Қатнашчиларнинг тижорат таклифларини барча учун тенг шартлар асосида ўтказиш мақсадида уларнинг танлаш таклифларини баҳолашда, сифатли маҳсулот етказиб беришдан (хизмат кўрсатишдан, иш бажаришдан) иборат бўлган танлаш таклифлари бўйича қонунчилик асосида қўшимча қўшилган қиймат солиғи тўловчилари томонидан солиқ суммаси киритиб ҳисоб қилинади.

19.3. Баҳолаш 1- 2 ва 3-жадвалларга асосланган ҳолдаги 4-жадвал умумлаштирувчи, яъни 100 баллик шкала бўйича қўйилади.

19.4. Танлаш таклифларини уларнинг техник амалга ошувчанлигига нисбатан баҳолаш Танлаш таклифларини техник ва ташкилий-молиявий баҳолаш мезонларга асосан амалга оширилади (1-жадвал).

19.5. 1, 2, 3, 4, 7-шакллардан ёки 5.2 бандда кўрсатилган хужжатлардан бирортаси мавжуд бўлмаса Электрон таклиф рад этилади.

19.6. Танлаш хужжатининг 5-шакли мавжуд бўлмаса, баҳоси нолга тенг деб топилади.

19.7. Танлаш қатнашчиларининг таклифларини молиявий баҳолаш, тижорат таклифларни баҳолаш мезони асосида аниқланади (3-жадвал).

19.8. Танлаш таклифларини қараб чиқиш муддати 5 кундан ошмайди.

19.9. Энг кўп балл тўплаган қатнашчи ғолиб деб ҳисобланади.

19.10. Танлаш хужжатларининг 8-шакллардан бири мавжуд бўлмаса, таклиф баҳоланмайди.

19.11. Якун чиқариш ва танлашнинг ғолиби тўғрисидаги қарор танлаш комиссияси томонидан қабул қилинади. Ғолибни танлашда Танлаш комиссияси аъзоларининг яқка тартибдаги хулосасига асосланилади. Қарор танлаш комиссияси аъзолари умумий сонининг оддий, кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлиб қолган тақдирда, Танлаш комиссияси раисининг овози ҳал қилувчи овоз ҳисобланади.

19.12. Танлаш комиссияси танлаш хужжатлари шартларига мос келмайдиган ҳар қандай танлаш таклифларини қабул қилиш ёки рад этиш ҳуқуқини ўзида олиб қолади.

19.13. Танлаш комиссиясининг сўровларига жавоб бера олмайдиган қатнашчилар томонидан тақдим этилган (берилган) ҳар қандай тушунтиришлар кўриб чиқилмайди.

19.14. Танлаш комиссиясининг якуний баённомасида ғолиб ва заҳирадаги қатнашчилар, танлаш комиссияси хулосаси, қатнашчиларнинг танлаш таклифлари йиғма жадвали ва ғолиб билан шартнома имзоланишнинг мўлжалланаётган муддатлари тўғрисидаги ахборот мавжуд

бўлади.

Баённома йиғилишда иштирок этган аъзолар томонидан имзоланиши ва танлаш комиссияси раиси томонидан тасдиқланиши керак.

19.15. Танлаш ташкилотчиси танлаш ғолибига танлаш яқунлангандан кейин уч кундан кечикмай ёзма билдиришнома юборади ва яқунларини Республика товар-хом ашё биржасининг <https://etender.uzex.uz> махсус порталида эълон қилади.

20. Таклифларнинг мос келмаслиги

20.1. Танлаш ҳужжатларини текшириш чоғида аниқланган арифметик хатолар мавжуд бўлган тақдирда танлаш комиссияси:

қатнашчига танлаш таклифига тузатиш киритиш имкониятини бериши;

таклифларни баҳолашда, товар (хизмат, иш) нархи билан бирлик нархи ва сонини кўпайтириш натижасида олинган яқуний нарх ўртасида номувофиқлик мавжуд бўлса, товар (хизмат, иш) нархи устунлик қиладиган, умумий нархга тузатиш киритилмайдиган қарор қабул қилиши мумкин. Агар сўзлар билан ёзилган сумма (нарх) билан рақамда кўрсатилган сумма (нарх) ўртасида номувофиқлик мавжуд бўлса, у ҳолда сўзлар билан ёзилган сумма (нарх) устунлик қилади.

20.2. Агарда қатнашчи хатоларни тўғрилашдан бош тортса, унинг танлаш таклифи танлаш комиссиясининг қарори билан четлаштирилади.

20.3. Танлашда иштирок этиш учун қатнашчи ҳуқуқи бошқа юридик шахсга ўтказилишига йўл қўйилмайди.

20.4. Танлаш қуйидаги ҳолларда бўлиб ўтмаган деб эълон қилинади:

тегишли лот бўйича танлаш таклифларини тақдим этишнинг энг охириги муддатигача таклиф тушмаса ёки фақат битта таклиф тушса;

барча танлаш таклифлари танлаш ҳужжатларига қўйиладиган талабларга мувофиқ бўлмаса;

барча танлаш таклифларида танлаш ҳужжатлари шартлари билан талаб қилинадиган ҳужжатлар мавжуд бўлмаса;

барча қатнашчиларнинг таклиф этган нархлари товарнинг бошланғич қийматидан анча юқори бўлса.

20.5 Танлашнинг бўлиб ўтмаган, деб эълон қилиниши танлаш қатнашчиларидан бирон-бирининг мулкӣ ёки бошқа жавобгарлигига олиб келмайди.

**Қатнашчининг техник ва ташкилий-молиявий таклифини
баҳолаш мезонлари**

№	Баҳолаш параметрларининг номланиши	Балл
I. Етказиб берилиши лозим бўлган маҳсулотлар сифати бўйича баҳолаш		
1.	7-шаклда келтирилган маҳсулотларнинг сифат даражаси. (Бу Буюртмачи томонидан ташкиллаштирилган комиссия аъзолари томонидан ўрганиб чиқилади, ҳар бир маҳсулот учун 0 баллдан 25 баллгача бериш орқали ҳисобланилади). Баллар ташкилот мутахассислари томонидан сифат ва талаб даражасига қараб берилади.	25 баллгача
2.	Талаб этилган шаклларнинг тўлиқ топширганлиги (ҳар бир шаклга 1 баллдан берилади).	9 баллгача
3.	5-бандда талаб этилган ҳужжатлар топширилиши (ҳар бирига 1 баллдан)	6 баллгача
4.	3-шаклда талаб этилган шартномалар сони ва суммаси бўйича бериладиган балл. 5 та шартнома баҳоланади ва ҳар бирига 5 баллгача баҳоланади.	25 баллгача
5.	Нархлар бўйича бериладиган балл.	35 баллгача

Изоҳ: Танлаш қатнашчиларининг баллари техник ва ташкилий-молиявий баҳолаш таклифлари жадвалига киритилади (2-жадвал).

**Танлаш қатнашчиларининг техник ва ташкилий-молиявий таклифларини баҳолаш
жадвали**

№	Қатнашчиларнинг номланиши	I	II	III	IV	V	VI	Умумий балл
		Макс. ___балл	Макс. ___балл	Макс. ___балл	Макс. ___балл	Макс. ___балл	Макс. ___балл	Макс. ___балл
1								
2								
3								
4								

Танлаш қатнашчисининг тижорат таклифларини баҳолаш мезони

№	Номлар бўйича баҳоланиш	Баллар			
Танлаш (тендер) қатнашчилари		Умумий балл			
I. Таклиф қилинган нарх (60 балли)					
1.	Қатнашчи таклиф қилган энг кам нарх	32			
2.	Қатнашчи таклиф қилган энг кўп нарх	15			
3.	Таклиф қилинган энг кўп ва энг кам нархларга қўшимча аниқлик киритиш баллари	15-32			
II. Биринчи Электрон таклиф бўйича баллар йиғиндиси (32 балли)		32			

Қатнашчининг тўплаган балли 4- жадвалга асосан умумлаштирилади

УМУМИЙ БАҲОЛАШ ЖАДВАЛИ

№ _____ лот бўйича танлаш/Танлаш қатнашчиларининг таклифлари

№	Қатнашчининг номланиши	Нарх бўйича иккинчи Электрон таклиф бали	Биринчи Электрон таклифнинг бали	Умумий балл
		Макс. 32 балл	Макс. 168 балл	Макс. 200 балл
1				
2				
3				

Изоҳ: Танлаш савдоларида қатнашчилар таклифларини битта Электрон таклифда тақдим этади.

1. Танлаш

Е. ШАРТНОМАНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ

21. Шартномани расмийлаштириш

21.1. Буюртмачи ва танлаш ғолиблари ўртасидаги шартнома танлаш ғолиблари тўғрисида республика товар-хон ашё биржасининг <https://etender.uzex.uz> махсус порталида эълон қилинган кундан бошлаб уч кун муддат ичида тузилади.

21.2. Агар Танлаш ғолиби шартнома тузишни рад этса ёки белгиланган муддатда шартномани бажариш учун кафолат бермаса, у ҳолда Буюртмачи танлаш комиссияси қарорига мувофиқ кейинги энг кўп балла эга бўлган захирадаги қатнашчини танлаш ғолиби деб эътироф этиши ёки такрорий танлаш ўтказишни тайинлаши мумкин.

22. Шартномани имзолаш

22.1. Ғолиб қатнашчи 3 (уч) кун муддат ичида Буюртмачи билан шартнома имзолаши шарт.

22.2. Ғолиб деб топилган қатнашчи шартномани бажариш кафолатини муддатда бера олмаса кейинги энг кўп балл тўплаган захирадаги қатнашчи билан шартнома имзоланади.

22.3. Танлаш ғолиби миқдор, сифат ҳамда техник кўрсаткичлари бўйича шартнома талабларини бажармаса қонун доирасида (ёки шартнома талабларига асосан) жавобгарликка тортилади.

II БОБ. Танлаш таклиф шакллари

№ _____-лот

Танлаш қатнашчисининг ташкилий тузилмаси

Танлаш қатнашчисининг ташкиллаштириш бўйича ишлаб чиқариш тузилмасини тақдим этинг: майдони, товар етказиб бериш (хизмат кўрсатиш, иш бажариш) бўйича ташкилий тузилмаси, манзили ва мулкчилик шакли (хусусий ёки ижарага олинган) кўрсатилган ҳолда.

**ИЛОВАЛАРНИНГ БАРЧА БЕТЛАРИ ТОПШИРИЛАЁТГАНДА ТАНЛАШ САВДОСИ ҚАТНАШЧИЛАРИ
ТОМОНИДАН ИМЗОЛАНГАН ВА МУҲРЛАНГАН БЎЛИШИ ШАРТ.**

№ _____ -лот

(Қатнашчининг фирма бланкасида)

№ _____ ва _____ сана

Қатнашчи тўғрисида умумий маълумот шакли

Танлаш савдолари иштирокчисининг номи: _____

Манзили ва телефон рақами: _____

Факс: _____

Юридик мақоми: _____

Ташкил этилган жойи ва санаси: _____

Фаолият турлари бўйича ихтисослашуви: _____

Офиси жойлашган жойи ва Ўзбекистондаги филиаллари: _____

Доимий ва вақтинчалик ишловчи ходимлари умумий сони, жумладан:

Доимий ишловчи ходимлар (жами): _____

Вақтинчалик ишловчи ходимлар (жами): _____

Камида 5 йиллик иш тажрибасига эга бўлган ходимлар сони, жумладан:

Доимий ишловчи ходимлар: _____

Вақтинчалик ишловчи ходимлар: _____

Танлаш қатнашчиси корхонасининг ташкилий тузилмаси, жумладан:

- корхонанинг ташкилий тузилмаси [филиаллари, худудий бўлинмалари, ишлаб чиқариш майдонлари ва бошқа шахобчалари]

- ишлаб чиқариш жойлари мавжудлиги (жами м²) [хусусий ёки ижара];- омборхона жойлари мавжудлиги (жами м²) [хусусий ёки ижара];

- ишлаб чиқариш ускуналари

№	Техникаси номи	Сони	Ишлаб чиқарилган санаси	Сотиб олинган сана
---	----------------	------	-------------------------	--------------------

Қатнашчи номи: **[Қатнашчининг тўлиқ номини кўрсатинг]**Таклифга имзо чекувчи лавозими: **[Таклифга имзо қўйган шахснинг лавозимини кўрсатинг]**Имзо: **[Юқорида номи ва лавозими кўрсатилган шахс имзосини қўйинг]**Ушбу таклиф **[Қатнашчининг тўлиқ номини кўрсатинг]** кўрсатмаси ва номидан тегишли ваколат билан имзоланди.Сана: **[таклифга имзо қўйилган санани кўрсатинг]****ИЛОВАЛАРНИНГ БАРЧА БЕТЛАРИ ТОПШИРИЛАЁТГАНДА ТАНЛАШ САВДОСИ ҚАТНАШЧИЛАРИ ТОМОНИДАН ИМЗОЛАНГАН ВА МУЎРЛАНГАН БЎЛИШИ ШАРТ.**

№ _____-лот

Қатнашчининг тажрибалари тўғрисида маълумот

Танлашга қўйилган маҳсулотларга (хизматларга, ишларга) ўхшаш маҳсулотларни (хизматларни, ишларни) охириги 3 йил давомида ишлаб чиқариши (хизмат кўрсатиш, ишларни бажариш) тўғрисида маълумот

Бу ерга давлат ташкилотлари билан давомий шартномалар ва шартноманинг умумий миқдори 40 млн дан ортиқ бўлган бир марталик шартномалар киритилади.

(Кўпи билан 6 дона шартнома баҳоланиши учун қабул қилинади).

(минг. сўм)

№	Маҳсулот (хизмат) номи	Шартнома суммаси	Маҳсулот (хизмат) тури	Буюртмачи
1.				
2.				
3				
4				

Иштирокчи номи: [Қатнашчининг тўлиқ номини кўрсатинг]

Таклифга имзо чекувчи лавозими: [Таклифга имзо қўйган шахснинг лавозимини кўрсатинг]

Имзо: [Юқорида номи ва лавозими кўрсатилган шахс имзосини қўйинг]

Ушбу таклиф [Қатнашчининг тўлиқ номини кўрсатинг] кўрсатмаси ва номидан тегишли ваколат билан имзоланди.

Сана: [таклифга имзо қўйилган санани кўрсатинг]

ИЛОВАЛАРНИНГ БАРЧА БЕТЛАРИ ТОПШИРИЛАЁТГАНДА ТАНЛАШ САВДОСИ ҚАТНАШЧИЛАРИ ТОМОНИДАН ИМЗОЛАНГАН ВА МУҲРЛАНГАН БЎЛИШИ ШАРТ.

№ _____ -лот

Танлаш қатнашчисининг молиявий аҳволи
(сўнги 3 йиллик бухгалтерлик балансини нусхаси 1- ва 2-шакл)

Танлаш қатнашчисининг номи: _____ (минг. сўмда)

АКТИВ				ПАССИВ			
Узоқ муддатли активлар				Умумий воситалар захираси			
Асосий воситалар				Низом капитали			
Ишлаб чиқариш фондлари шунинг ичида				Бўлинмаган кирим			
Қолдик нарх				Мажбуриятлар			
Капитал маблағлари				Қарзлар			
Тугалланмаган ишлаб-чиқариш				Кредитор қарздорлик			
Шу кундаги активлар				Вақти тугалланган қарздорлик			
Айланма маблағлар				Бюджет маблағлари ҳисобидан қарздорлик			
Шулардан ишлаб чиқариш захираси				Иш ҳақи тўлови бўйича қарздорлик.			
Дебитор қарздорлиги							
Вақти тугалланган қарздорлик							
Умумий баланс бўйича				Умумий пассив баланс бўйича			

МОЛИЯВИЙ НАТИЖА (минг. сўмда)

Номланиши				Номланиши			
1. Ишлаб чиқарилган товарлар бўйича фойда				8. Соф фойда			
2. Ишлаб чиқарилган молларнинг соф фойдаси				Асосий фаолиятдан фойда			
3. Ишлаб чиқарилган молларнинг таннархи				Умум хўжалик фаолиятдан			
4. Мамурий харажатлар				9. Асосий фаолият даромади			
5. Бошқа сарф-харажатлар				10. Умум хўжалик фаолият даромади			
6. Солиқ солинмаган ҳолдаги фойда				11. Чиким			
7. Даромад солиғи				Асосий фаолиятдаги чиким			
				Умум хўжалик фаолиятидаги чиким			

Баланс бўйича фойда _____

3 йил ичида солиқ тўламаслиги ёки банкротлик масалалари бўйича судланмаганлиги

Раҳбар _____ Бош ҳисобчи _____

Сана: « _____ » _____ 20 _____ й. _____ М.П.

Изоҳ: Ишчи орган танлашга кўйиладиган ўхшаш маҳсулотларни етказиб бериш (хизматларни кўрсатиш, ишларни бажариш) тўғрисида маълумотларни сўраганда, улар маълумот учун қабул қилинади ва баҳоланмайди.

№ _____-лот

Таклиф қилинаётган хизматларни кўрсатиш (ишларни бажариш) учун моддий ресурсларнинг мавжудлиги ҳақида маълумот

Танлаш қатнашчисининг номи:

Жойлашган жой:

Омборхонанинг жойлашган жойи:

т/р	Маҳсулот номи	Ўлчов бирлиги	Сони
1.			
2.			
3.			
4.			
5.			
6.			

Изоҳ:

Қатнашчи номи: [Қатнашчининг тўлиқ номини кўрсатинг]

Таклифга имзо чекувчининг лавозими: [Таклифга имзо қўйган шахснинг лавозимини кўрсатинг]

Имзо: [Юқорида номи ва лавозими кўрсатилган шахс имзосини қўйинг]

Ушбу таклиф [Қатнашчининг тўлиқ номини кўрсатинг] кўрсатмаси ва номидан тегишли ваколат билан имзоланди.

Сана: [таклифга имзо қўйилган санани кўрсатинг]

№ _____ -лот

Маҳсулотнинг техник тавсиф жадвали

Иштирокчи: _____

№	Товарлар (хизматлар, ишлар)	Техник топширик талабларини бажариш учун маҳсулот номи	Маркаси	Ишлаб чиқарилган давлати
1	2	3	4	5
<i>Танлаш ном ва Лот рақами</i>				
1				
2				

Қатнашчи номи: **[Қатнашчининг тўлиқ номини кўрсатинг]**Таклифга имзо чекувчининг лавозими: **[Таклифга имзо қўйган шахснинг лавозимини кўрсатинг]**Имзо: **[Юқорида номи ва лавозими кўрсатилган шахс имзосини қўйинг]**Ушбу таклиф **[Қатнашчининг тўлиқ номини кўрсатинг]** кўрсатмаси ва номидан тегишли ваколат билан имзоланди.Сана: **[таклифга имзо қўйилган санани кўрсатинг]**

ИЛОВАЛАРНИНГ БАРЧА БЕТЛАРИ ТОПШИРИЛАЁТГАНДА ТАНЛАШ САВДОСИ ҚАТНАШЧИЛАРИ ТОМОНИДАН ИМЗОЛАНГАН ВА МУЎРЛАНГАН БЎЛИШИ ШАРТ.

№ _____-лот

Маҳсулотни етказиб бериш, хизмат кўрсатиш

Маҳсулотларни етказиб бериш, хизмат кўрсатиш Харидор ва Маҳсулот етказиб берувчи ўртасидаги шартнома имзолангандан кейин бошланиши зарур.

Етказиб бериш (бажариш) муддатидан кечикиб етказиб берилган ва сифатсиз маҳсулот (кўрсатилган хизматлар) етказилган тақдирда қабул қилинмайди ва улар учун тўловлар амалга оширилмайди.

т/р	Маҳсулот (хизмат) номи	Етказиб бериш муддати (давом этиши)	Манзил	Маҳсулотларни етказиб бериш, хизмат кўрсатиш охириги муддати

ИЛОВАЛАРНИНГ БАРЧА БЕТЛАРИ ТОПШИРИЛАЁТГАНДА ТАНЛАШ САВДОСИ ҚАТНАШЧИЛАРИ ТОМОНИДАН ИМЗОЛАНГАН ВА МУЎРЛАНГАН БЎЛИШИ ШАРТ.